2019 ЙИЛ 3 ОКТЯБРЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 151 (13.998)

Баҳоси эркин нархда

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ВАЛЕНТИНА МАТВИЕНКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенкони қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни самимий қутлар экан, Валентина Матвиенкони Россия Федерацияси парламентининг юқори палатаси раиси лавозимига қайта сайлангани билан табриклади ҳамда ушбу масъулиятли фаолиятида муваффақият тилади.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари бугун юксак даражага кўтарилгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги самарали мулоқотлар, Россия Президентининг ўтган йил октябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи мамлакатларимизнинг кенг кўламли ҳамкорлигини кенгайтиришга кучли сурьат бағишлаб, уни аниқ мазмун билан бойитди.

Валентина Матвиенко, ўз навбатида, самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Россия парламенти делегациясининг ушбу ташрифи мамлакатларимиз кўп қиррали ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қатъий интилаётганининг навбатдаги тасдиғи экани таъкидланди.

Учрашувда икки томонлама муносабатлар, шунингдек, олий даражада эришилган келишувларни амалга оширишда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестициявий, инновацион, транспорт-логистика, агросаноат, илмий-техник соҳаларда истиқболли лойиҳаларни илгари суришда, таълим ва маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтиришда икки мамлакат парламентларининг фаол иштирокига оид долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Халқаро парламентлараро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Федерация Кенгаши Раиси кўп қиррали Ўзбекистон – Россия муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш мақсадида парламентлараро алоқаларни изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

Валентина Матвиенко жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик ҳокимияти органларига сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

**ЎзА**

## ЙЎЛ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 октябрь куни йўл хўжалигини ривожлантириш ва ушбу соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Мамлакатимизда жами юкларнинг 98 фоизи ва йўловчиларнинг 88 фоизи автомобиль йўллари орқали ташилади. Кейинги йилларда юртимиз экспортида тайёр маҳсулотлар улуши кўпайиб бормоқда. Келгусида уни янада ошириш режалаштирилган. Товарларни манзилга тез ва сифатли етказиш учун эса ривожланган йўл инфратузилмаси керак.

Йиғилишда ушбу соҳани ривожлантириш, қурилиш лойиҳаларини барқарор молиявий манба билан таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Автомобиль йўлларини қуриш ёки таъмирлаш ишларига халқаро ташкилотлар ва хусусий шерикларни фаол жалб қилиш зарурлиги таъкидланди. Жумладан, халқаро ва давлат аҳамиятига молик 1 минг 600 километрлик йўлларга доир 18 та йирик лойиҳани шундай ҳамкорлик асосида амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ички йўлларни таъмирлашда ҳудудларнинг иштироки сезилмаётгани қайд этилди. Молия вазирлигига республика бюджетидан фақат умумий фойдаланишдаги йўлларга, ички йўлларга эса маҳаллий бюджетдан маблағ ажратиш тартибини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Хорижий давлатларда йўл хўжалиги соҳасида давлат-хусусий шериклик яхши ривожлангани қайд этилди. Йўл бўйи инфратузилма объектларини бериш орқали лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш мумкинлиги таъкидланди.

Мутасаддиларга давлат-хусусий шериклик асосидаги лойиҳалар доирасида йўл бўйи объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш топширилди.

Реклама қурилмаларини умумий фойдаланишдаги йўлларга жойлаштириш учун рухсат бериш ваколатини Автомобиль йўллари қўмитасига ўтказиш таклиф этилди.

Умуман, автомобиль йўллари соҳасини тубдан ислоҳ қилиш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузиб, 2020–2030 йилларда Автомобиль йўлларини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Бу стратегияда, аввало, автомобиль йўлларини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари белгиланади.

Ҳозирги пайтда Автомобиль йўллари қўмитасида ҳам буюртмачи, ҳам пудратчи, ҳам эксплуатация қилиш функциялари тўпланиб қолгани оқибатида тизимдаги корхоналар халқаро лойиҳаларда иштирок эта олмаяпти. Шу боис, қурилиш ташкилотларини қўмита таркибидан чиқариб, улар негизида “Ўзавтойўл” акциядорлик компанияси ташкил этиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, хусусий шериклар иштирокида тезкор автобанлар қуришга катта эътибор қаратилади.

Давлатимиз раҳбари йўллар сифатини ошириш ишларини лойиҳалаштиришдан бошлаш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун лойиҳа ташкилотларини кўпайтириш, уларнинг моддий-техника базасини ва кадрлар таркибини мустаҳкамлаш бўйича кўрсатма берилди.

Германиялик ҳамкорлар билан биргаликда автомобиль йўллари қурилиши соҳасида қўшма лойиҳа институтини ташкил этиш, юртимиз иқлими ва қатнов хусусиятларини ҳисобга олиб, йўл қурилиши соҳасидаги норматив ҳужжатларни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Масалан, мамлакатимизда йўл қуришда ҳанузгача асосан асфальт-бетон ишлатилади. Бундай йўлларнинг хизмат муддати 10-15 йил бўлиб, 4-5 йилдаёқ таъмирталаб аҳволга келиб қолади. Цемент-бетон қопламали йўлларни қуриш 15-20 фоизга қиммат бўлса-да, эксплуатация муддати 2-3 баробар кўп ва сақлаш харажатлари 3 баробар кам.

Юртимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми ортаётганини инобатга олиб, янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган давлат аҳамиятига молик йўлларни босқичма-босқич цемент-бетон қопламага ўтказиш бўйича топшириқлар берилди.

Яна бир муаммо йўлларни мониторинг қилиш бўйича автоматлашган тизим йўқлигидир. Қайси йўлдан қанча оғирликдаги юк ташиш мумкинлиги ҳаммага маълум эмас. Меъёрдан ортиқ оғирликда юк ташувчи автотранспорт воситаларининг ҳаракати назорат қилинмаяпти.

Шу боис, йиғилишда барча йўлларнинг электрон базасини шакллантириш, махсус автоматлашган ўлчаш воситаларини ўрнатиш бўйича дастур ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди. Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, йўл бўйи инфратузилмасини халқаро андозалар асосида лойиҳалаштириш, халқаро йўлларда сифатли сервисни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Қатор кўприклар таъмирталаб, айримлари умуман эгасиз экани танқид қилиниб, барча кўприкларни тўлиқ хатловдан ўтказиш, уларни таъмирлаш ва тиклаш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Кадрлар масаласига ҳам эътибор қаратилиб, соҳадаги институтларни йирик лойиҳаларга бириктириш, улар доирасида илмий ходимлар учун синов майдонлари ва тадқиқот лабораторияларини ташкил қилиш, иқтидорли талабаларнинг хорижда малакасини ошириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда белгиланган вазифалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА**

### Валентина МАТВИЕНКО:

## ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

***Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко Президент Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг оммавий ахборот воситаларига интервью берди:***

– Ўзбекистон раҳбари билан суҳбатимиз ғоят сермазмун бўлди. Биз Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигининг деярли барча йўналишларини муҳокама қилдик, бир қатор долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашдик.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўзлаб берди. Россия билан ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам айни янгиланиш жараёнига ҳамоҳанг экани аниқ. Тўғрисини айтсам, кейинги уч йилда Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, турли соҳаларда эришилаётган юқори натижалар менда ёрқин таассурот қолдирмоқда.

Бугунги Ўзбекистон мутлақо бошқача, очиқ мамлакат. Президент Шавкат Мирзиёев белгилаб берган устувор йўналишлар жуда аниқ, тўғри танланган. Ўзбекистон ушбу йўналишлардан оғишмай бораётгани туфайли иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда юксак марраларга эришмоқда. Президентга ҳамма қулоқ соляпти, шу билан бирга давлат раҳбари ҳам халқни тинглаяпти, муаммоларга дарҳол эътибор қаратяпти.

Биз Россия бизнес вакилларида Ўзбекистонга бу даражада қизиқиш пайдо бўлишини кутмагандик. Ўзбекистон томонидан ҳам худди шундай қизиқиш кузатилмоқда. Инвесторларни, кичик ва ўрта бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича очиқ, шаффоф қонун-қоидалар юзага келди.

Шуни ишонч билан айтишим мумкинки, Ўзбекистон – Россия муносабатларини янада ривожлантириш имкониятлари кенг. Буни Президент ва парламент аъзолари билан учрашувларимиз ҳам тасдиқлайди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маҳсулот айланмасини бир неча баробар оширишга қизиқиши кучли. Маҳсулот айирбошлаш ҳажмини яқин келажакда 10 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилган. Икки мамлакатнинг турли даражадаги музокаралари бунга ҳозирдан пухта замин яратмоқда.

**ЎзА**

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Бу халқаро кўргазма-ярмаркани дарровгина ёки бир-икки соатда, шунчаки бир айланиб томоша қилишнинг сира иложи йўқ. Унда китобларнинг мўъжизакор уммонига шўнғиб кетиш, миллий адабиётимиз дарғаларининг ажойиб суҳбатидан баҳра олиш,ноширлар, матбаачилар, кутубхоначилар фаолиятидан тўлақонли хабардор бўлиш учун кенг имкониятлар яратилган.***



## КИТОБЛАРНИНГ ЧЕКСИЗ ДУНЁСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ташкил этилган “Tashkent Book Fest – 2019” биринчи халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси стендларини айланган ҳар бир инсонда шундай таассуротлар пайдо бўлиши шубҳасиз.

Мазкур кўргазманинг очилишига турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, китоб-нноширлик, ахборот-кутубхона иши мутахассислари, адабиётимиз фидойилари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бош директори Комил Алламжонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва бошқалар мамлакатимизда китоб тарғиботини кучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган меҳри ва ҳурматини ошириш, нашриётлар, матбаа корхоналарининг эркин ва самарали ишлаши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш масаласи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислоҳотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

(Давоми 3-бетда)

## САЙЛОВ ШТАБИ ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАДИ

***Ўзбекистон Экологик партиясининг марказий кенгашида сайлов штабининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда партиянинг ҳудудлардаги фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ОАВлари ходимлари иштирок этди.***

Маросимда Ўзбекистон Экологик партиясининг марказий кенгаши раиси Борий Алихонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Экологик партияси томонидан 2019 йил 22 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловида фаол иштирок этиш учун барча зарур чоралар кўрилаётгани ва бунда партиянинг янги иш бошлаган ушбу сайлов штаби сайловолди жараёнларга пухта тараддуд кўришда муҳим маскан бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Жорий йил 20 сентябрдан сайлов компанияси бошланган. Янги Сайлов кодексига асосан сиёсий партия ўзининг сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида 40 минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкинлиги ва имзо варақаларининг бланкалари сайлов кампанияси бошлангани эълон қилингандан кейин Марказий сайлов комиссияси томонидан берилиши белгиланган.

Жорий йилнинг 24 сентябрь куни эса Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига уларнинг рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳномалар ҳамда сайловчиларнинг имзоларини тўплаши учун белгиланган намунадаги имзо варақалари топширилди.

– Бугунги кунда барча сиёсий партиялар қаторида сайловларда илк бор иштирок этаётган Ўзбекистон Экологик партияси томонидан ҳам имзо йиғиш жараёнларини бормоқда, – деди Ўзбекистон Экологик партиясининг марказий кенгаши ахборот хизмати раҳбари Эркин Омонов. – Ўзбекистон Экологик партияси “Биз келажак учун жавобгармиз” ғояси билан сиёсий майдонга чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан партия халқ билан бирга бўлиш, халқ дардини эшитиш ва муаммоларни биргаликда ҳал этиш, уларнинг муаммосини ўзининг муаммоси, деб билиб янгича форматда тарғибот акциялари ҳамда сайловга қизғин тайёргарликни бошлаб юборган. Ҳар бир партия сайлов олдидан марказий кенгашларида ўз сайлов штабларини очиши ҳамда туну кун фаолиятини йўлга қўйиши белгиланган. Бугун ўз ишини бошлаган сайлов штаби ана шу талаблар ижросидир. Унда депутатлар ва партия аъзолари учун барча қулайликлар яратилди.

**Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА**

### XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Фарғонада ўзини ўзи бошқариш органларига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган 36 фаол, ташаббускор фуқаро ва жамоатчилик тузилмалари вакилларига “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони тантанали тарзда топширилди.**

**● Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида янгидан бунёд этилган судлар бинолари фойдаланишга топширилди. 7 миллиард сўм маблағ сарфланиб бунёд этилган бинода республикамизда илк бор тўрт суд – Тойлоқ туманлараро иқтисодий суди, Фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро суди, Тойлоқ туман Маъмурий суди ҳамда Жиноят ишлари бўйича Тойлоқ туман суди фаолият юритади. Ҳар бир суд учун белгиланган тартиб бўйича маъмурий хоналар, суд заллари, фуқароларни қабул қилиш учун махсус хоналар ажратилган.**

**● Наманганда Наманган вилояти ва Саудия Арабистони ишбилармон доиралари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Форум доирасида Наманган вилояти ва Саудия Арабистони ишбилармонлари ўртасида B2B ва B2G форматида бўлиб ўтган учрашув якунига кўра, араб ишбилармонлари билан қатор инвестиция шартномалари ва келишувлар имзоланиши кутилмоқда.**

**● Ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, ҳудуддаги криминоген вазиятни яхшилаш энг муҳими фуқароларнинг тинчлик-осойишталигини таъминлаш мақсадида Навоий вилояти Кармана туманининг Жалоир, Нарпай қишлоқлари ҳамда “Маликработ” қўрғони ҳудудлари аҳолисига хизмат кўрсатувчи 3 та ички ишлар бўлими ташкил этилди. Мазкур бўлимларнинг биноларини барпо этиш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 3 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди.**

### ЖАҲОНДА

**● Грузиялик олимлар ва уларнинг хорижий ҳамкасбларининг кўп йиллик биомолекуляр тадқиқоти ҳайвон қолдиқларидан олинган дунёдаги энг қадимий ДНК Грузиянинг жанубида, Тбилисидан 90 километр узоқликдаги қадимги Дманиси шаҳрида топилганини тасдиқлади. Грузия миллий музейи хабарида қадимги шаҳарда топилган каркидоннинг тиш эмалидан 1,77 миллион йиллик муҳим генетик маълумот олингани маълум қилинган. “Бу ҳайвон қолдиқларидан олинган дунёдаги энг қадимий ДНКдир. У бунгача Канаданинг Укон оролида топилган отдан олинган 700 минг йиллик ДНКдан миллион йилга қадимийроқдир”, — дейилади хабарда. Олимларнинг айтишича, “бу топилма қадимий биомолекуляр тадқиқотлардаги кашфиётдир”.**

**● Испания ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли самолёт мамлакатнинг Мурсия провинцияси соҳилига яқин жойда денгизга қулаб тушди. Бу ҳақда маҳаллий тез ёрдам хизмати ўз твиттерида маълум қилди. Воқеа жойига қутқарув хизмати ходимлари жўнаб кетган. Самолёт бортида неча киши бўлгани ҳақида маълумот йўқ. Маҳаллий “Verdad” газетасининг ёзишича, самолёт ҳарбий-денгиз кучлари академиясига тегишли бўлган.**

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

● *Олмазор туманида 21700 та аҳолига хизмат кўрсатишга мўлжалланган янги оилавий поликлиника барпо этилмоқда.*

● *Пойтахтимиздаги IT – Парк қошида академия очилади.*

● *Шаҳримиздаги “Дўстлик – Роҳат” йўналишида ҳаракатланувчи янги поезд келтирилди. Замонавий, инновацион технологиялар билан жиҳозланган поезд йил сўнгида ишга туширилиб, йўловчиларга хизмат кўрсатиши режалаштирилмоқда.*

● *Тошкентда 49 та ихтисослаштирилган болалар боғчаси қайта ташкил этилади.*

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида**

# САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ЯНГИ ТАРКИБИ САЙЛАНДИ

***Жорий йилнинг 30 сентябрь куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Йиғилишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг жорий йилнинг 27 сентябрь куни бўлиб ўтган 59-сессиясининг 490/59-5 сонли қарори билан тасдиқланган шаҳар сайлов комиссиясининг янги таркибидаги аъзолари иштирок этди.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала сайлов комиссияси раисини сайлаш кўриб чиқилди ва бу лавозимга Тошкент архитектура қурилиш институти ректори, шаҳар сайлов комиссияси аъзоси – Хакимов Равшан Рашидович сайланди.

Шунингдек, йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала шаҳар сайлов комиссияси раисининг ўринбосари лавозимига – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг бўлим бошлиғи – Беков Ихтиёр Рустамович ва Тошкент шаҳар сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи котиби лавозимига – Собиров Мираброр Мухаммаджон ўғли сайланди.

*Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 24-моддаси ҳамда Сайлов кодексининг 19-моддасига асосан Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши,

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бешинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси ваколати тугатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олтинчи чақириқ Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси қуйидаги таркибда тузилсин:

| № | Фамилияси, исми ва отасининг исми | | Иш жойи ва лавозими |
|---|---|---|---|
| 1. | Махмудхўжаев Фурқат Сидиқхўжаевич | – | Тошкент шаҳар Маҳаллалар Кенгаши бошқаруви раиси |
| 2. | Беков Ихтиёр Рустамович | – | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг бўлим бошлиғи |
| 3. | Собиров Мираброр Мухаммаджон ўғли | – | Тошкент шаҳар сайлов комиссиясида доимий асосда ишловчи котиби |
| 4. | Исматуллаев Лутфилла Нуриллаевич | – | Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси бошлиғи |
| 5. | Мамаджанов Аваз Каримжанович | – | Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи |
| 6. | Назиров Абдулазиз Абдурасул ўғли | – | Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари |
| 7. | Исабеков Ботирбек Абдулла ўғли | – | Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи |
| 8. | Латипов Носир Нуруллаевич | – | Тошкент шаҳар "Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" давлат унитар корхонаси бош муҳандиси |
| 9. | Рустамов Фаррух Шохрухович | – | "Ўзбектелеком" акциядорлик жамияти "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали директори |
| 10. | Абраев Акбар Зиёдуллаевич | – | Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи |
| 11. | Абдушахидов Умиджон Убайдуллаевич | – | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги – Тошкент шаҳар Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи |
| 12. | Икрамов Эргашвой Жумабоевич | – | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Қутқарув хизмати бошқармаси бошлиғи |
| 13. | Мелиев Барҳаёт Бахтиёржонович | – | Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари |
| 14. | Хакимов Ровшан Рашодович | – | Тошкент архитектура қурилиш институти ректори |
| 15. | Иноятов Фаррух Шавкатович | – | Тошкент шаҳар касб таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи |

3. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига комиссия раиси, ўринбосари ва котибини сайлаш тавсия этилсин.

4. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига юборилсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси раиси С.Хамидуллаев зиммасига юклатилсин.

6. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари**
**Т. Матибаев**

*2019 йил 27 сентябрь*

*Олмазор тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ОЛМАЗОР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ, ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ВА МЕҲНАТ БОЗОРИДА ТЕНГ ШАРТЛАРДА РАҚОБАТЛАША ОЛМАЙДИГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН 2020 ЙИЛГА ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ ЭНГ КАМ СОНИНИ БЕЛГИЛАШ ВА ЗАҲИРАГА ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуни 7, 17-моддалари (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 й., 5-6-сон 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуни 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 7-сон 353-модда), "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни 8-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 й., 4-сон 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3856-сон қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 17 июль), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2017 йил 11 декабрь) мувофиқ, ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2020 йилга иш ўринларини энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш бўйича туман махсус комиссиясининг 2019 йил 29 августдаги 29-сон баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Олмазор туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 319 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 3612 та иш ўринлари заҳирага қўйилсин, бунда:

– 14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари – 377 та;

– умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаганидан кейин касбни эгаллаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари – 811 та;

– сафарбарлик чақириқ заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари – 378 та;

– ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиғи ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари – 431 та;

– пенсия олди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари – 428 та;

– жазони ижро этиш муассасаларидан ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилган шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари – 821 та;

– одам савдоси қурбонлари учун – уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўринлари – 358 та;

2. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини заҳирага қўйиш мажбурияти юкланган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Ташкилотлар раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва заҳирага қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ иш ўринлари ташкил этилиши таъминлансин.

Шахсларнинг кўрсатиб ўтилган тоифалари учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат қилиш шароитлари яратилсин.

Йил бошланишидан олдин 10 кундан кечикмай муҳтожларни ишга жойлаштириш учун муҳтожлар учун заҳирага қўйиладиган иш ўринлари умумий сонининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида иш ўринлари заҳирага қўйилиши ва тайёрлиги таъминлансин, шунингдек, бу ҳақида йил бошлангунга қадар, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази хабардор қилинсин.

Муҳтожлар учун иш ўринларининг қолган қисмини заҳирага қўйиш ташкилот томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин ва бу ҳақда туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилинсин.

Ташкилот томонидан муҳтожларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг қарори бажарилмаслиги сифатида қаралади.

4. Муҳтожлар учун иш ўринларини заҳирага қўйиш бўйича туман ҳокимининг қарорини бажармаган ташкилотнинг мансабдор шахсига, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

Муҳтожлар учун иш ўринларини заҳирага қўйиш бўйича туман ҳокимининг қарори бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш ташкилотни заҳирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини яратиш бўйича мажбуриятдан озод қилмайди.

5. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасии Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг "Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (АВ рўйхат рақами №-3163 сон, 31.05.2019 й) буйруғига асосан субсидиялар ажратиб бериш амалиёти жорий этилганлигини ҳисобга олиб, "Ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли қатламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сонидан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга ҳар бир ходим учун 12 ой давомида ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдорида ҳақ тўлаш" тўғрисидаги нормани корхоналарга маълумот берилсин.

6. Мазкур қарорнинг биринчи бандида кўрсатилган шахслар ишга жойлаштирилган иш ўринлари бўлажак даврга заҳирага қўйиладиган иш ўринлари сонини аниқлашда ҳисобга олиниши ҳамда заҳирага олинган иш ўринлари сони ушбу иш ўринларига қабул қилинган кундан бошлаб 3 йил мобайнида ҳисобга олиниши белгилаб қўйилсин.

7. Туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (А.Камиловга):

беш кун муддатда ушбу қарорни заҳира ўрни ятаратаётган ташкилотлар раҳбарларининг эътиборига етказсин ва туман ҳокимининг қарори бажарилиши устидан назорат ўрнатсин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Олмазор туман ҳокимининг ўринбосари Т.Тешаев зиммасига юклансин.

**Олмазор тумани ҳокими**
**Б.Рахмонов**

*2019 йил 25 сентябрь*

**"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури – амалда**

# КЕЛАЖАККА ИШОНЧ БИЛАН



***Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 7 мартдаги "Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори доирасида пойтахтда оилаларни бизнесга кенг жалб қилиш, уларга қўшимча даромад манбаларини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бу бизга барқарор даромад манбаини яратиш бўйича катта имкониятларни яратади.***

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури асосида Сергели тумани молия бўлими ҳузурида оилавий тадбиркорликни ва аҳолининг ўзини ўзи банд қилишини рағбатлантириш бўйича сектор ташкил қилинди.

– Биз фуқароларга йилига 8 фоизлик ставка бўйича 3-6 ойлик имтиёзли давр билан кредитлар ажратилишига амалий ёрдам кўрсатмоқдамиз, – дейди мутахассис Ойгул Абдилакимова. – Ўтган ойлар давомида 284 ташаббускор оилалар 27 миллиард сўм ҳажмида кредит олди. Ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш натижасида уларга талаб катта бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, хизматлар бозорини тўлдириш бўйича истиқболли лойиҳалар ишга туширилди.

"Олчазор" маҳалласида истиқомат қилувчи Қурбонбоевлар оиласининг самарали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади. 60 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан Алфия Қурбанбаева Хитойнинг машҳур "Baoyu", "Juita" брендлари, Германиянинг "Mauser spezial" маркали замонавий тикув машиналари ва дазмоллаш ускуналарини харид қилди. Ушбу ускуналар ўзининг дизайни, юқори самарадорлиги, кўп функционаллиги билан ажралиб туради, электр энергия сарфини қисқартириш имконини беради. Оилавий бизнеснинг муваффақиятли йўлга қўйилиши туфайли етти кишининг бандлиги таъминланди.

– Таннархининг арзонлиги ва аъло сифати туфайли биз ишлаб чиқараётган аёллар кўйлаги, костюмлари, халатлар ва бошқа турдаги урфга кирган кийим-кечакларга бозорда талаб катта, – дейди Алфия Қурбанбаева. – Айни пайтда ишлаб чиқаришда чиқиндилар бўлишига йўл қўймаймиз ва фақат мамлакатимизда ишлаб чиқарилган матолардан фойдаланамиз. Ҳозирги пайтгача биз 30 миллион сўмлик маҳсулотларни сотдик, берилган кредитнинг бир қисмини тўладик.

Сергели тумани молия бўлими бошлиғининг ўринбосари Нодир Жулибоевнинг сўзларига кўра, ҳозирги пайтда тумандаги 47 маҳалладан ўнлаб кишилар оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит олиш истагини билдирмоқда. Фуқароларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун оилавий тадбиркорликни ва аҳолининг ўзини ўзи банд қилишини рағбатлантириш бўйича сектор ходимлари бор чораларни кўрмоқда.

Бу эса юрт тараққиёти – иқтисодий юксалишга хизмат қилади.

**Ҳ.УБАЙДУЛЛАЕВ**

# МУРОЖААТ ВА МУАММОЛАР ЎРГАНИЛМОҚДА

***Юртимизда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ишончли ҳимоя қила оладиган институтга айлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди.***

Жумладан, Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан қабул қилинган қонун ҳужжатлари ҳамда кўрилган амалий чоралар мазкур соҳадаги давлат сиёсатини янги босқичга кўтарди. Суд ҳокимиятининг фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамиятини тубдан оширди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида суд тизими янгича асосда ташкил этилди, фаолияти ҳам халқ манфаатларига мослаштирилди. Судьяларнинг аҳоли билан очиқ мулоқотлари, суд мажлисларини сайёр шаклда, фуқаролар билан ошкора ташкил этиш амалиёти йўлга қўйилди.

Ҳар бир учрашувда, сайёр суд мажлисларидан кейин судьялар одамларнинг фикрига қулоқ тутаётгани, уларнинг мурожаат ва муаммоларини ўрганиб, қонуний ечимини топаётгани соҳа ходимларини том маънода халққа яқинлаштирди.

Қайд этиш керакки, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш долзарб вазифа ҳисобланади. Шу мақсадда судлар томонидан "йўл харитаси" ҳамда чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Хусусан, вояга етмаганлар, ёшлар ва аёллар томонидан содир этилган жиноят ишлари умумлаштирилиб, унинг натижалари судьяларимиз томонидан маҳалла фуқаролар йиғинларида тегишли ташкилот вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилинмоқда.

Тадбирларда маҳалла аҳли билан, жумладан ёшлар, фаоллар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда. Очиқ мулоқотда судьялар туман ҳудудида рўй берган ўғрилик, фирибгарлик, қасддан баданга шикаст етказиш, безорилик ва гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятларининг содир этилиш сабаблари ҳақида сўз юритишди. Мазкур жиноятларни содир этганлик учун қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик ва жазо чоралари хусусида ҳам тўхталиб ўтишди. Шу хилдаги жиноятларнинг олдини олиш юзасидан профилактик суҳбатлар ўтказдилар.

Бу каби тадбирларнинг туманнинг ҳар бир маҳалласида ташкил этилаётганлиги, нафақат судлар олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ижобий таъсирини кўрсатади, балки умумий мақсадимиз – ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг содир бўлмаслигига эришишимизга, тинч ва осуда ҳаётимиз таъминланишига хизмат қилади. Халқ билан ҳамнафас бўлиб яшаш, инсон манфаатларини ҳимоя қилишдек улуғвор вазифани бажариш учун бор билим ва салоҳиятимизни ишга солишимиз керак.

**Шерзод ЭШМАТОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Яшнобод туман суди судьяси**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЧИҚ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ЯНГИ ЭКОТИЗИМИ ЯРАТИЛАДИ

***Очиқ маълумотларнинг эълон қилиниши ва улардан фойдалана олиш имконияти яратилиши давлат органлари фаолиятининг шаффофлигини, жамоат назоратини амалга ошириш, шунингдек, жисмоний шахслар ва тадбиркорлар учун янги хизматлар ишга туширилишини таъминлайди.***

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) мавжуд бўлиб, ундан давлат органлари фаолияти натижалари, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, демографик, экологик ва бошқа жараёнлар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида Абу Райҳон Беруний номидаги Бошқарув ва бизнес республика олий мактабида ташкил этилган давра суҳбатида айни пайтда мамлакатимизда БМТ Тараққиёт дастури, ЕХҲТ ва халқаро молия институтлари экспертларини жалб этган ҳолда очиқ маълумотларнинг мутлақо янги экотизимини яратиш бўйича ишлар олиб борилаётгани маълум қилинди.

Хусусан, халқаро рейтингларда мамлакатимизнинг ўрнини яхшилаш мақсадида 2019 йилда очиқ маълумотларни янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси концепцияси лойиҳаси, "Очиқ маълумотлар глобал индекси", "Очиқ маълумотлар барометри" ва "Йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш режалаштирилган.

Мулоқотда Жаҳон банки экспертлари Влад Мониал, Стела Лаука ва Олег Петров мамлакатимизда рақамли ҳукуматни шакллантиришда очиқ маълумотлар бўйича ислоҳотларни ижобий баҳолади.

Давра суҳбати якунида иштирокчилар мамлакатимизда очиқ маълумотлар ресурсларини ривожлантириш борасида янги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга келишиб олди.

**М.ҲУСАНОВА,**
**ЎзА мухбири**

## 21 октябрь – “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинган кун

# ТИЛ – МИЛЛАТНИНГ БОРЛИГИ ВА БОРЛИҒИ

***Миллатнинг онгу шуури ифодаси, борлиғи бўлган она тилимизнинг нуфузи масаласи ҳамон ҳамманинг диққат марказида.***

Бу – миллий ғурур, она тилимизнинг тақдири, уни асраш, келажак авлодларга етиб бориш имкониятини яратиш билан боғлиқ. Қолаверса, ўз миллий тилига ҳурмат мамлакатимизнинг дунёда муносиб эътирофга эга бўлишида ҳам муҳим омил сифатида қаралади. Чунки, бугунги глобаллашув даврида ўзлигини англаган ҳар бир халқ миллати ва миллий қадриятларини асраб қолиш устида тинимсиз бош қотирмоқда. Техниканинг шиддатли ривожи, сиёсий-иқтисодий жараёнлар суръати ва маданиятлараро мулоқот кучайиб бораётган ҳозирги даврда замон билан ҳамнафас юришга, ўзининг тили, маданиятига бу жараёнларнинг “емириш” ва “йўқ қилиш” даражасидаги салбий таъсирини имкон қадар камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Мазкур жараёндан биз ҳам четда қолаётганимиз йўқ, албатта.

Бу йил “Давлат тили тўғрисида”ги қонун қабул қилинганига 30 йил тўлади. Шу вақт ичида тилимизнинг ривожланиш ҳолати ва ундан фойдаланиш бўйича қанчадан-қанча жараёнларни бошдан кечирдик. Бу давр ҳам бир тарихга айланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз шиддат билан ривожланаётгани, халқимиз турмуш фаровонлиги яхшиланиб, халқаро майдонда нуфузи ортиб бораётганини ҳеч ким инкор эта олмайди. Биз ҳозиргача йўл қўйилган камчиликларни муҳокама қилиб, бир-биримиздан ёзғириш эмас, нима қилишимиз кераклиги ҳақида қайғуришимиз, аниқ чоралар кўришимиз керак.

Она тилимиз, ўзбек тили, давлат тили масалаларида энди эҳтиросларга берилиш даври ўтди. Давлат тили мақомини мустаҳкамлашга ҳаракатни ҳар биримиз ўзимиздан, ўз фаолиятимиздан бошлашимиз керак. Миллатнинг борлиги ва борлиғини кўрсатувчи тилимизни асраб-авайлаш, оила, жамоа, маҳалладан бошланади.

### Ҳисоботлар ва турли ҳужжатлар айрим вазирлик, идораларда ҳозиргача давлат тилида тайёрланмайди

Шу ўринда амалга оширилиши зарур бўлган ишлар юзасидан айрим аниқ таклифларни айтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, қонун устуворлигига алоҳида эътибор қаратилаётган бугунги кунда тўғридан-тўғри ишлайдиган, тўлиқ ишлаб чиқилган қонунлар асосида ишлаш талаб этилмоқда. Шу аснода кўплаб қонунларимиз қайтадан кўриб чиқилмоқда, уларга ўзгартиришлар киритилмоқда ёки замон талабларидан келиб чиқиб, янги таҳрирда қабул қилинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг “Давлат тили ҳақида”-ги қонуннинг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисида” 2018 йил 15 ноябрдаги қарори бўйича қайта ишланаётган Ўзбекистон Республикаси “Давлат тили тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳририни кенг муҳокамага киритиш зарур. Бунда давлат тилини мамлакат фуқаролари билишини бурч даражасига кўтарадиган модда бўлиши муҳим. Қонун ҳужжатларини халқ муҳокамасидан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, ҳеч қайси тил алоҳида яшай олмайди. Техника ва инновациялар кун сайин янгиланаётган, халқаро муносабатлар ривожланиб, ҳамкорлик кенгайиши асосида тараққий этиб бораётган дунё мамлакатлари миллий тилларига мазкур жараённинг таъсири бўлиши табиий. Бу асрлар давомида шундай бўлиб келган, яъни жамият ривожи тилнинг ўзгаришига, луғат таркибининг кенгайишига таъсир этган. Фақат жараёнларнинг тилда акс этишини турли тамойиллар асосида тил эгалари, яъни жамият ҳар бири ўзича танлаган. Айнан мана шу танлов ва “саралаш” миллий тилларнинг яшаш тарзини, сақланиб қолишини белгилайди. Шу сабабли Олий Мажлис Сенати Кенгаши қарори ижросини таъминлаш, ўзбек тилига чет тилларидан кириб келаётган сўзларни ўрганиш, қабул қилиш билан шуғулланадиган “Атамалар бўйича махсус комиссия” тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш ниҳоятда долзарб. Чунки бугунги кунда ўзбек тили луғат бойлиги кенгайиб, турли даражадаги ҳужжатларда, оммавий нашрларда ҳам янгидан-янги сўзлар тез-тез ишлатилаётгани кузатилмоқда. Аммо бу сўзлар аслида луғатимизга ҳали қабул қилинмаган. Шундай бўлса-да, улар истеъмолда фаол қўлланадиган сўзларга айланмоқда. Илмий жиҳатдан асосланган ҳолда янги бирликларни қўллаш бўйича тавсиялар устида узоқ ўйлаб ўтирадиган вақт эмас ҳозир, махсус комиссия ишини ташкил этишни орқага суриб бўлмайди. Комиссия ишига етук мутахассисларни, кучли тилшунос олимларни жалб этиш, турли соҳалар бўйича масъулиятли ходимларни бириктирган ҳолда йўлга қўйиш, шунингдек, унинг Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида бўлиши мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни ижросини доимий назорат қилувчи жамоатчилик комиссияларини тузиш ва мунтазам мониторинг олиб борилиши муҳим. Бундан ташқари, барча вазирлик ва идораларда ҳужжат алмашинуви тўлиқ давлат тилида олиб борилишини таъминлаш шарт. Афсуски, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ҳисоботлар ва турли ҳужжатлар айрим вазирлик, идораларда ҳозиргача давлат тилида тайёрланмайди. Халқаро тажрибага қарайдиган бўлсак, ҳатто ҳамкорлик доирасида юбориладиган хат-ҳужжатлар ўша мамлакат давлат тилида тайёрланиб, имзоланади ҳамда унга бирор халқаро тил (масалан, инглиз, рус тили)даги таржимаси илова қилинган ҳолда тақдим этилади. Бизда эса, хорижга юбориш у ёқда турсин, ҳатто юртимиздаги ҳамкор ташкилотларга ҳам ҳужжат рус тили, баъзан инглиз тилида тайёрланиб, имзоланиб юборилиши одатга айланган. Бу ҳолат бизнинг рус ёки бошқа хорижий тилни билмаслигимизни кўрсатади, деган мутлақо хато фикр билан боғлиқ. Аксинча, агар барча ҳужжатлар ўзбек тилида тайёрланса, давлат тилининг мавқеи кўтарилади, унинг ўрганилиши таъминланади, қолаверса, ўзбек тилининг ҳурмати баланд экани бошқа жойларда ҳам намойиш этилади. Буларнинг барчаси ўзбек тилида гапирадиган аҳоли 90 фоиздан зиёдни ташкил этиб турган бугунги кунда ҳеч қийинчилик туғдирмаса керак. Бунинг учун хоҳиш-истак, билим ва муҳими, ғурур бўлса етарли.

Тўртинчидан, ўзбек тилини ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ўтган йиллар давомида тил таълими бўйича ўқув режа ва дастурларини тузишда, шундан келиб чиқиб дарсликларни яратишда ҳам камчиликларга йўл қўйилди. Давлат тилини ўрганиш эҳтиёж даражасига чиқмас экан, таълим тизимида ҳам кутилган натижага эришиб бўлмайди. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор. Ёшларнинг ўзбек тилини ўргана олмаётганига асосий сабаб – бу оиладаги муҳит ва тарбиядир. Ота-онанинг она тилига бўлган беписандлиги фарзандининг бошқа тилда гаплашиб мулоқот қила олишидан “фахрланиш” ҳисси билан янада кучаяди. Ҳолбуки, оилада она тилини ҳурмат қилишга ўрганган ёшлар ўзга тилга ҳам ҳурмат билан қараши, чет тилларини қийналмай ўзлаштира олиши кўп кузатилади.

Мактабда русийзабон синфда таълим олган ёшлар олий таълим муассасаси талабаси бўлганида ҳам ўзбек тилини ўрганишга қийналади. Уларнинг аксарияти умумий ўрта таълим ва ўрта махсус касб-ҳунар тизимида ўқитиладиган дастурларни ўзлаштирмаган ҳолда келади. Бунинг сабаби дарсларнинг самарадорлик даражаси етарли эмаслигида. Масаланинг яна бир томони бор. Олий таълим муассасаларида ўзбек тили дарси ўтиладиган 1-курс русийзабон талабалари ўз соҳаси, таълим йўналиши бўйича ўзбек тилига оид махсус атамаларни, соҳага оид тилни ўрганиш ўрнига, афсуски, яна ўша грамматика қоидалари ва асосий мулоқот мавзулари бўйича суҳбатлашишга ўргатиш давом этади, холос. Тил таълими узвийлиги ва узлуксизлигининг таъминланмаётганидан далолат бу.

### Луғатлар, сўзлашгичлар етишмайди

Биз кутган натижага эриша олмаётганимизнинг яна бир сабаби турли замонавий дарсликлар, луғатлар, сўзлашгичлар етишмаслигида. Мамлакатимизда яшовчи ҳар қандай миллат вакили қизиқиши ва ўзлаштиришига қулай бўлган турли шакл ва услубдаги ўқув адабиётлари билан таъминланиши зарур. Нафақат фуқароларимиз, балки ҳозирда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш билдираётган хорижликлар учун ҳам қулай, ижобий натижага қаратилган тил ўргатувчи китоблар етарли эмаслиги ачинарли ҳол. Лотин ёзуви асосидаги онлайн дарсликлар, электрон луғатлар, қизиқарли китобларнинг кўплаб муқобил вариантларини яратиш керакки, ўрганувчида танлаш имконияти бўлсин.

Ўзбек тилини таълимнинг энг қуйи босқичларидан ўргатиб бориш бўйича замонавий методика ишлаб чиқиш зарур. Агар ўқитувчи синфда ёки аудиторияда ёшларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш ва эҳтиёж уйғотиб, унда тилга ҳурмат туйғусини уйғота олмас экан, давлат тилининг жамиятдаги мавқеини кўтариш мушкул иш. Бу борада масофавий таълим, мустақил ўрганишга йўналтирилган видеодарсларни ҳам кўпайтириш ва интернет тармоқларига жойлаштириш мақсадга мувофиқ.

Турли соҳаларга оид махсус фанлар бўйича ўзбек тилидаги ўқув адабиётларининг етарли эмаслиги, махсус терминология, айниқса, янги атама ва терминларнинг мунтазам киритиб борилмаётгани мутахассис тайёрлашда ҳам муаммолар келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам олий таълимни битириб, соҳаси бўйича ишга кирган ёш кадрларга амалиётдан узилган, энг яхши ҳолатда назарий билим билан чекланган кадр, ёмон ҳолатда соҳаси бўйича етарли, замонавий билим ва малакага эга бўлмаган кадр сифатида қаралмоқда.

### Зиёлилар ҳам бефарқ, лоқайд

Халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришда тилнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Бироқ охирги пайтларда намойиш этилаётган фильмларда бошқа миллат сўзлари, турли тушунарсиз ёки қўпол, маънавиятимиз ва қадриятларимизга зид бўлган сўзлар ишлатилиши учрамоқда. Бундай ҳолатларни баъзи санъаткорларнинг қўшиқларида ҳам учратиш мумкин. Бу борада ҳам мутахассисларнинг назоратига эҳтиёж бор.

Жамоат жойларида, кўчаларда, турли лавҳаларда, бинолар пештоқида аҳоли диққатини жалб этадиган жойларда номлар ёки рекламаларнинг ҳеч бир маъни ва қолипга тўғри келмайдиган шаклу шамойилда берилаётгани умумий саводхонлик даражаси тушиб кетганидан, мутахассис бўлган зиёлиларнинг эса бефарқ ва лоқайдлигини кўрсатиб турибди, афсус. Бу борада ҳам Ўзбекистон Республикасининг “Реклама тўғрисида”ги, “Фирмаларнинг номлари тўғрисида”ги каби тил билан боғлиқ қонунларини такомиллаштириш ва қонун бузилиш ҳолатларида чора кўришни белгилаш зарур. Шунда тил ва ёзув ўртасидаги чалкашликлар, маънавиятимизга ёт ифодаларнинг оммалашиши олди олинади. Хатоликларга йўл қўяётган, лекин бунга жиддий қарамаётган шахслар ҳам шу ёзувлар ўзининг саводсизлиги намойиши эканини тушуниб етар. Натижада миллийлигимиз тимсоли бўлган тилимизга беписандлик, ҳурматсизлик билан қарашга барҳам берилар, деб ўйлайман.

Ўзбек тилшунослигида ҳамма тан оладиган мукаммал илмий асарлар яратиш, грамматика, орфография, фонетика, айниқса, стилистика бўйича тўлиқ маълумотлар асосидаги амалиёт билан боғланган китобларни кўплаб нусхаларда, етарли ададда нашр этиш зарур. Бундай китобларга эҳтиёж ниҳоятда катта. Буларни таъминламасдан туриб, нафақат бошқа тил эгаларининг ўзбек тилини чуқур билишига эришиш, балки умумий саводхонликни оширишга эришиб бўлмайди.

Юқоридаги масалаларни ҳал этиш, ўзбек тилининг ўзимиз хоҳлагандек нуфузга эга бўлиши учун барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз, лоқайд бўлмаслигимиз керак, зеро, ҳаётда бўш турган жойни бошқа биров эгаллашга ҳаракат қилади.

Ўзбек тилининг халқаро нуфузи тобора юксалаётган, АҚШ, Германия, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Россия ва Украина каби давлатларнинг олий таълим муассасаларида ўзбек тили йўналиши очилиб, ўша мамлакатлар ёшлари она тилимизни ўрганишга катта қизиқиш билдириб, ўзбек тили ва адабиёти, қиёсий мавзулар бўйича илмий изланиш олиб борувчи чет эллик тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаяётган бир пайтда ўзимиз борлигимиз ва борлиғимиз тимсоли бўлган тилимизга эътиборли бўлайлик.

**Гулчеҳра РИХСИЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Тошкент давлат шарқшунослик институти ректори.**
**ЎзА**

# МАҲАЛЛАЛАРИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт маҳаллалари фаолларини “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

Шаҳримиз маҳаллаларида ҳудуднинг тинчлиги ва саришталиги, оилалар ва маҳалладошларнинг аҳиллиги, ёш авлоднинг баркамол бўлиб улғайишига ҳисса қўшаётган фидойилар кўп. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 июлдаги қарорига мувофиқ, ана шундай жонкуяр, фаол ва ташаббускор инсонларни “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирлаш белгиланган.

Шунга мувофиқ, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2019 йил 23 сентябрдаги тегишли баёнига асосан, Тошкент шаҳри бўйича маҳалла тизимида самарали фаолият юритиб келаётган 17 нафар фаол “Маҳалла ифтихори” кўкрак нишони билан тақдирланишга муносиб, деб топилди.

Тошкент шаҳар ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев ушбу мукофотни топширар экан, пойтахтимиз маҳаллаларида бундай фидойилар кўплиги ва улар жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби кенг кўламли вазифалар ижросини сидқидилдан бажариб келаётганлигини таъкидлади.

– Бундай фахрли мукофотга муносиб бўлиш маҳалла фаолига катта масъулият юклайди, – деди пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Янгиобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзурахон Валиева. – Ажримларнинг олдини олиш, ёшлар тарбиясида доим ҳушёр ва огоҳ бўлиш, хотин-қизлар масаласига эътибор қаратиш борасидаги ишларни кучайтириш бизнинг бурчимиздир.

Тадбирда шаҳримиз маҳаллаларининг келгусидаги режалари ҳам белгиланди.

**Н.УСМОНОВА**

***Яқинда пойтахтимизда “Аллергик касалликларни диагностикаси ва даволашнинг инновацион методлари” мавзусида халқаро аллергологлар ва клиник иммунологларнинг конгресси бўлиб ўтди.***

**Тиббиёт**

# ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Президентимизнинг 2018 йилнинг 11 майдаги “Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши тизимда олиб борилаётган ишларга дастуруламал бўлди. Ўз вақтида қабул қилинган бу қарорнинг негизида бир қатор муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Сўнгги йилларда фармакология саноатининг улкан қадамлар билан тараққий қилиши, дори-дармонлар, биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқишга ихтисослашган хусусий компанияларнинг кескин кўпайиши оқибатида антибиотиклар, биологик фаол моддалар, иммун ва гормонал тизимларига улкан таъсир кўрсатувчи дори-дармонларнинг асоссиз ва кенг кўламда қўлланилиши ҳам бу борадаги муаммолар кўламини чуқурлаштирди.

Аҳоли сони 33 миллиондан ошган мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катталар ва болалар аллергологлари мутахассислари етишмаслиги, бу жабҳага ихтисослашган марказ ва даво муассасаларининг кам ва танқислиги оқибатида чекка ҳудуд ва туманлардаги беморлар ҳам ҳатто арзимасдек туюлган сабабларга кўра пойтахт ёхуд вилоят марказларига келишга мажбур бўлмоқдалар. Бугунги кунда катталар ва болалар аллергологларини тайёрлаш ва малакасини ошириб, қайта тайёрлаш жиҳатларига етарлича эътибор берилмаётган эди.

2019 йилдан бошлаб аллергологларни малакасини ошириш ва қайта ихтисослаштириш Республика Илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази зиммасига юклатилди. Аллергик этиологияли хасталикларни ва бу соҳага ихтисослашган марказ ва даво муассасаларининг фаолиятларини статистик жиҳатдан назорати бўлмаганлиги боис жорий йил январь ойидан бошлаб июль ойигача 0-18 ёшдаги болалар ўртасида аллергик касалликларни аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволашни тўғри йўлга қўйиш учун бир марталик акция ўтказилди.

Ана шу юқорида кўрсатилган муаммоларни ҳал этиш мақсадида Марказнинг шифокор аллергологлари юртимизнинг барча вилоятларига ҳар ой чиқишлар қилиб, жойлардаги муаммоларни ҳал этиб, қўшимча маслаҳатлар ва маҳорат дарсларини ўтказиб қайтдилар.

Конгрессга дунёнинг йирик етакчи аллергологлари (Ҳиндистон, Россия Федерацияси) таклиф этилди. Тадбирда Ҳинд профессори Манав Манханда “Бронхиал астманинг оғир турлари даволанишига янгича ёндашув” мавзусида маъруза қилди. Россия мамлакатидан ташриф буюрган академик Лусс ҳамда профессорлар Феденко ва Кудрявцевалар аллергик касалликлар ташхиси ва даволашдаги янги методлар хусусида маълумот бердилар.

Анжуманнинг биринчи куни қизғин мунозара, баҳсларга, фикр ва мушоҳадаларга бой тарзда якунланди.

Иккинчи кунида эса, Республика Илмий ихтисослаштирилган аллергология марказида ҳинд профессори Манав Манханда даволанаётган беморларни кўрикдан ўтказди ва ўз тавсияларини берди.

Анжуман сўнгида марказ раҳбари, профессор И.Розиқова республика миқёсида “Аллерголог ва клиник иммунологлар Ассоциация”си тузиш бўйича Резолюция қабул қилиш таклифини киритди, бу ҳужжат иштирокчилар томонидан бир овоздан маъқулланди ва қабул қилинди.

Умид қиламизки, бу анжуман республикада аллергологик хизмат такомилланишида ва халқаро алоқалар ўрнатилишига дебоча бўлиб хизмат қилади.

**Қутбиддин НИЗОМОВ,**
**олий тоифали шифокор аллерголог**
**Наргиза АЙДАРОВА,**
**шифокор аллерголог**

# КИТОБЛАРНИНГ ЧЕКСИЗ ДУНЁСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бош директори Комил Алламжонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва бошқалар мамлакатимизда китоб тарғиботини кучайтириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобга бўлган меҳри ва ҳурматини ошириш, нашриётлар, матбаа корхоналарининг эркин ва самарали ишлаши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш масаласи Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислоҳотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга изчил жорий этилаётган Ҳаракатлар стратегияси ҳамда ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясига доир бешта муҳим ташаббусга мувофиқ китоб тарғиботига оид ишларни замон талаблари асосида йўлга қўйиш, шу орқали халқимиз маънавиятини юксалтириш, электрон ва аудио китоблар яратиш, китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нашрларнинг чоп этилиши бўйича мақсадли дастурларни тайёрлаш ва ижросини таъминлаш, хорижда ўзбек тили ва адабиётини кенг тарғиб қилиш, нашриётларга кўмаклашиш, ноширлик ва матбаачилик йўналишидаги техник-технологик базани ривожлантириш, уларни замонавий жиҳатдан янгилаш, тегишли минтақавий, хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

“Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалари мажмуасининг энг муҳташам павильонида бошланган “Tashkent Book Fest – 2019” биринчи халқаро китоб кўргазма-ярмаркасида бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Маҳобатли бу маскандаги кўргазма-ярмарка ғоят ранг-баранг, қизиқарли, турфа стендларга бой, ҳар бир томошабинни шоshириб қўйиши билан диққатга сазовордир.

Кўргазма-ярмарка китоб ва мутолаани тарғиб этиш, жаҳон босма саноати тажрибасини ўрганиш, нашриётлар, китоб тарқатувчилар, ахборот-кутубхона масканлари, китоб-мутолаа масалаларига масъул ташкилотлар ўртасида халқаро алоқаларни ўрнатиш каби мақсадларни кўзлайди. Бу ерда юртимизнинг нашриётлари, кутубхоналари, китоб тарқатишга масъул ташкилотлари билан бирга Буюк Британия, Россия, Германия, Қозоғистон, Жанубий Корея, Қирғизистон, Туркия каби давлатларнинг нашриётлари фаолияти билан ҳам яқиндан танишиш мумкин. Айни пайтда Хитой, Эрон, Индонезия, Озарбайжон ва бошқа бир қатор хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари, маданият марказлари, маърифий масканлари томонидан тақдим этилган илмий-оммабоп адабиётлар, қизиқарли нашрлар билан танишиш имконияти бор.

– Тошкентда бундай халқаро китоб кўргазма-ярмаркасининг биринчи марта ташкил этилаётгани жуда ажойиб ғоя, – деди Россия китоб ноширлари ассоциацияси президенти Константин Чеченов. – Бу кўргазма-ярмарка китоб-ноширлик ишига масъул бўлган ташкилотлар, нашриётлар билан кенгроқ танишиш, уларнинг фаолиятини ўрганиш, соҳадаги ҳамкорликни тобора мустаҳкам йўлга қўйишда жуда аҳамиятлидир.

– Нашриётимиз асосан Кореяда хориж ҳақидаги китобларни чоп этиш билан шуғулланади, – деди “UzKor Ekonomy” нашриёти вакили Чве Хи Йонг. – “Мен Ўзбекистонни яхши кўраман” деган китобим яқинда чоп этилди. У юртингизнинг сайёҳлик салоҳияти ҳақида атрофлича ҳикоя қилади. Мен бу китобни ёзиш асносида ўтган йили ўн марта шу табаррук диёрга келиб, уни атрофлича ўргандим. Бугунги кунда Кореядан юртингизга келишни истаган инсон борки, уларнинг бари шу китобни дастлаб ўқиб, Ўзбекистонга бўлган меҳри ва иштиёқи тобора ортмоқда. Мазкур кўргазмада халқингиз китобни нақадар эъзозлашига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Қирғизистоннинг “Аркус” нашриёти мактаб таълими учун ўқув адабиётлари, услубий қўлланмаларни чоп этиш бўйича ихтисослашган. Мазкур нашриёт кўргазма-ярмаркада юздан ортиқ ўқув адабиёти билан иштирок этмоқда.

– Ўзбекистон кейинги уч йил мобайнида очиқ мамлакатга айланди, – деди “Аркус” нашриётининг раҳбари Иван Фадин. – Биз мамлакатингизнинг ноширлик бозорини атрофлича таҳлил этиб, уни пухта ўрганмоқчимиз. Назаримда, юртингиз полиграфик бозори ғоят катта ва ранг-баранг. Айнан бу жиҳати биз учун ғоят қизиқарлидир.

Дарҳақиқат, ноширлик, китоб тарғиботи ишининг нечоғли пухта йўлга қўйилгани ушбу кўргазма-ярмарка орқали ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бу ерда мамлакатимиздаги турли нашриётларнинг, кутубхоналарнинг фаолиятига батафсилроқ назар ташлаш мумкин.

– Нашриётимиз Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда иш олиб боради, – деди “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи бош муҳаррири Суннат Хўжааҳмедов. – Китобларнинг сифати, ўқувчиларнинг ёшига мослиги, унинг дизайни, бўёқларининг болалар соғлиғига хавф солмаслиги каби жиҳатлар фаолиятимизнинг доимий диққат марказида.

Кўргазма-ярмарка экспозициясидаги яп-янги китоб савдоси ва тарғиботини жойларда амалга оширувчи автобус – библиобус ҳеч кимни бефарқ қолдирмаяпти. Уни кўчма кутубхона, деб ҳам аташ мумкин. Библиобусдаги бадиий, маърифий адабиётлардан кўз қувнайди. “Ўздавкитобсавдотаъминот” масъулияти чекланган жамияти менежери Рухсорой Маҳамметованинг айтишича, жорий йилнинг апрель ойида илк сафарни Наманган вилоятига амалга ошириб, янги-янги китоблар тарғиб этилган. Ҳозирга қадар 110 нашриётнинг мингдан ортиқ китоби халққа етказилган.

Маърифий лойиҳанинг дастлабки тақдимотида “NOVDA Edutainment” компаниясининг фаолияти, медиа маҳсулотлари, аудио китоблари, журналлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Кўргазма-ярмарканинг биринчи кунида қизиқарли тақдимотлар, ёзувчи-шоирлар, адабиётшунос олимлар билан учрашувлар, ўқувчи-ёшлар учун викториналар, ижодий танловлар, бадиий ижодиёт бўйича маҳорат дарслари бўлиб ўтди.

**(ЎзА)**

# ҒАЛАБАЛАРНИНГ КАТТА ДОВОНИ

***Кейинги йилларда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга бўлган эътибор сўзда эмас, балки амалда кучайди. Давлат сиёсати даражасида ўтказилаётган йиғилишлар, қабул қилинаётган қарорлар, дастурлар, "Йўл хариталари"нинг мундарижаси халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, оммавий спортни ривожлантириш, халқаро спорт майдонларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчилар таркиби ва сифатини янада такомиллаштиришга қаратилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 4 сентябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ушбу масалалар муҳокама қилиниб, зарур кўрсатмалар берилди.***



Йиғилишда таъкидланганидек, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бошқарувини такомиллаштириш мақсадида оммавийликни ошириш борасида бир қатор хайрли, истиқболли ишлар амалга оширилди. Бири биридан кўркам, халқаро талабларга жавоб берадиган замонавий спорт иншоотлари билан биргаликда жойларда ихтисослаштирилган машғулот майдончалари, мажмуалар барпо этилди. Юртимизда оммавий спорт тадбирлари ўтказилиши фаоллашди. Халқаро мусобақаларда спортчиларимизнинг қўлга киритаётган натижалари сифат ва салмоқ жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

**Рағбат ва эътибор мукофотга муносиб**

Аммо эришилган натижалар, кўзланган катта ғалабалар йўлида олиб борилаётган тизимли ишларнинг самарадорлигини янада оширишда ҳал қилиниши лозим бўлган, ечимини кутаётган вазифалар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди. Осиё ва Олимпия ўйинлари, қитъа ва жаҳон чемпионатларидаги улкан ғалабалар оммавий спорт тадбирларининг сифати ва тизимлилиги орқали қўлга киритилади. Шу жиҳатдан, жойларда ташкил этилаётган мусобақалар сони ва савияси, уларга ёшларни жалб этиш ишлари ҳозирча талаб даражасида эмас. Рақамларга мурожаат қилсак, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тақвим режаси асосида ўтказилган 230 мусобақада Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Тошкент, Хоразм, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидан жамоалар иштирок этмаган. Ачинарли ҳолат, шундай эмасми?! Тасаввур қилинг, ўша мусобақаларда мутасаддиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги натижасида қанчадан-қанча ёшларимиз мамлакат миқёсидаги мусобақаларда қатнашишдан бебаҳра қолди. Ахир, ўша ёшлар орасида бўлажак чемпионлар, Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қила оладиган забардаст спортчилар бўлиши мумкин эдими? Албатта...

Боксчи Муҳаммадқодир Абдуллаев, эркин курашчи Дилшод Мансуров, футболчи Одил Аҳмедов ёки бугунги кун қаҳрамони Элдор Шомуродов, дзюдо бўйича уч карра Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собиров ёки яқинда айнан Собировнинг вазнида Токио татамисида мўъжиза кўрсатган Шарофиддин Лутфуллаев бундан 10 йиллар муқаддам ёш, ўспирин бола бўлгани, улар ўша Андижону Бухородан минг бир машаққат билан катта спорт майдонларига талпингани, мусобақаларда қатнашганини бугун барча яхши билади.

Андижон Олимпия захиралари мактаб-интернатининг кураш мураббийи Собир Пардаев Сурхондарёдан Бобур юртига Лутфуллаевни олиб келиб, дзюдо спорти сирларини ўргата бошлаганида ёшгина бу қорамағиз йигитча йиллар ўтиб юрт орини дунё майдонларида муносиб ҳимоя қиладиган чапдаст полвон бўлади, дейишса ўша пайтлар манаман деган мураббийлар ҳам ишонмасди. Республика биринчиликлари, турли мусобақаларда гоҳ ғалабага эришиб, гоҳ ноҳақликларга дуч келиб, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада ўйинларида тобланган Лутфуллаев ҳақли равишда 60 килограмм вазнда бугун дзюдо бўйича олимпиада рейтингини бошқармоқда. Унинг жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритгани Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшаётганидан далолат эмасми?

Бугун маҳаллаларда, чекка-чекка ҳудудларда минглаб шундай спортчилар камолга етаётгани бор гап. Фақат бундай истеъдодларни топиш, саралаш, улар қалбида спортга меҳру муҳаббат уйғотиш, машғулотларга жалб қилмоқ учун рағбат ва эътибор керак. Рағбатни ёшлар қалбига ўқитувчи-мураббийлар жойлайди. Уларга зарур шарт-шароитларни яратиш эса мутасаддилар вазифаси. Шу маънода, мусобақаларда ғолиб бўлган ўқувчи, талабаларни тайёрлаган, вояга етказган жисмоний тарбия ўқитувчилари ва устозларини муносиб рағбатлантириш мақсадида, иш ҳақига қўшимча устама, ўқитувчилик даражасига тегишли тоифа ва илмий унвонлар бериш ҳамда мамлакат биринчилигида ўқувчиси ғолиб бўлган мураббийга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ўқитувчиси" фахрий унвонини жорий этиш таклифи давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида эътироф этилгани ҳар жиҳатдан адолатли бўлди.

**Ҳар бир ҳудуднинг ўз "севимли"си бор**

Оммавий спорт тадбирлари, халқаро мусобақаларда қўлга киритилаётган натижалар мундарижасига эътибор берилса, ҳудудлар кесишмасидаги спорт турларининг ривожланиш ҳолати ойдинлашади. Яқинда зўр муваффақият билан ҳаваскор маҳалла жамоалари ўртасидаги "Чарм тўп" республика турнирида 13-14 ва 18-30 ёшли футболсевар ёшларнинг совринли ўринлари қайси маҳаллаларга насиб этгани ҳам ҳудудларда миллионлар ўйини қай даражада оммавийлашгани, жойларда бу жабҳадаги ишлар кўлами тобора кенгайганини кўрсатяпти. Андижоннинг бокс, Сурхондарёнинг кураш, Тахиатошнинг оғир атлетика, Самарқанднинг эшкак эшиш, Наманганнинг олис Исковот қишлоғида Илҳомжон Турдиев мураббийлигидаги волейболчи қизлар мактаблари мисолида ҳам шу фикрни давом эттириш мумкин.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизнинг айрим шаҳар ва туманларида тайёр спорт объектлари ва шароитлар бўлса-да, оммавий спорт мусобақалари ўтказиш ва шу орқали профессионал спортчиларни кўпайтириш бўйича қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар кўнгилдагидек эмас. Шунинг учун, ҳар бир ҳудудда қайси спорт тури ривожлангани, мавжуд инфратузилмаси, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, уларни аниқ спорт турларига ихтисослаштириш зарурлиги белгиланди. Бироқ бу ўша масканларда бошқа спорт турлари билан шуғулланилмайди дегани эмас. Шу кунларда Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги мутахассислари томонидан ҳар бир шаҳар ва туманни чуқур ўрганиб, аниқ спорт турларига ихтисослаштириш бўйича тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда "Йўл харита"ларини ишлаб чиқиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат. Умумтаълим, спорт мактаблари ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилинади. Олий таълим муассасаларини спорт иншоотлари, кадрлар салоҳияти, ҳудудларнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларни маълум бир спорт турларига ихтисослаштириш белгиланди. Масалан, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетини қўл тўпи ва таэквондога, Қарши давлат университетини кураш ва дзюдога, Самарқанд давлат университетини баскетбол ва футболга, Фарғона давлат университетини сузиш ва белбоғли курашга, Андижон давлат университетини бокс ва мини-футболга ихтисослаштириш мумкинлиги Президентимиз томонидан айтилди.

Бу ўз-ўзидан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга ҳудуд, таълим муассасалари ва тегишли спорт федерацияларининг ҳамкорлик занжирини вужудга келтиради. Ва муҳими, профессионал спортга маҳоратлиларни саралаш майдонини кенгайтиради. Асосийси, ушбу тизимнинг жорий этилиши орқали мамлакатимизда яхлит спорт селекцияси мактаби йўлга қўйилишига замин яратилади.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,**
**журналист**

## Футбол янгиликлари

### ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

***Футбол бўйича жорий йилги Ўзбекистон кубогининг ярим финал беллашувлари мухлисларга шов-шувли натижаларни тақдим этмади.***

Аввало, кўпгина мутахассислару, мухлислар Олмалиқда ташкил этилган АГМК – "Бунёдкор" баҳсида тошкентликлар мезбонларга муносиб қаршилик кўрсатишларини тахмин этишганди. Чунки жорий йилги чемпионат учрашувларида асосан ёшларга таяниб ҳаракат қилаётган Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги "Бунёдкор" сермазмун ўйинлари ҳамда ажойиб ғалабалари билан совринли ўринлардан бирига даъвогарлик қилишяпти. Миржалол Қосимов етакчилигидаги АГМК жамоаси эса турнир жадвалининг қуйи поғоналарида бораётганлиги юқоридаги тахминга сабаб бўлганди. Аммо, кубок баҳсларида ҳар қандай натижа қайд этилиши мумкин. Буни АГМК ўтган йили Биллур соврин учун финал ўйинида ажойиб ўйнаб, "Пахтакор"ни мағлуб этганлиги ва амалдаги Ўзбекистон кубоги соҳиби эканлиги яққол исботлайди. Айтиш жоиз, баҳс анча қизиқарли ва сермазмун кечди. Ҳар икки жамоа майдонга фақат ғалаба иштиёқида тушганлигини гапириб ўтирмади. Бироқ, тажриба ва маҳорат бобида Вадим Абрамов шогирдларидан устунлик қилган Миржалол Қосимов шогирдлари тактика, услуб танлашда бехато ҳаракат қилишади, тошкентлик футболчиларга майдонда эркин ҳаракатланишларига йўл қўйишмади, қарши ҳужумлардан самара чиқара олишди. Якунда 3:1 ҳисобида мезбонлар ишончли тарзда зафар қучишди. Дарвозага голларни АГМКдан – Ш.Нурматов, Э.Григалашвили, С.Раҳмонов, "Бунёдкор"дан – Н.Тўхтасинов киритишди.

"Пахтакор" марказий стадионида кечган "Пахтакор" – "Насаф" ўртасидаги Ўзбекистон кубоги ярим финали баҳсида қаршиликлар Шота Арвеладзе шогирдларига муносиб қаршилик қилишга интилишди. Аммо, таркибида кучли чарм тўп усталари бўлган "Пахтакор" якунида 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Голларга "Пахтакор"дан – Д.Черак, Ж.Машарипов, "Насаф"дан – Б.Абдуҳолиқов муаллифлик қилишди.

Хуллас, Ўзбекистон кубоги учун финалда яна ўтган йилгидек "Пахтакор" ва АГМК ўзаро куч синашадиган бўлишди. Биллур соврин қайси жамоага насиб этади, ҳаркалай буни финал ўйинидан сўнг билиб оламиз.

### МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИ АБРАМОВ БОШҚАРАДИ

***Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоамизни эндиликда бош мураббий сифатида Вадим Абрамов бошқарадиган бўлди.***

Маълумки, 2018 йил августдан миллий терма жамоамизга аргентиналик таниқли мутахассис Эктор Купер устозлик қилаётган эди. Очиғини айтиш керак, мутахассислару, мухлислар Эктор Куперга катта умид бағишлаганди. Ўтган бир йилдан сал ортиқроқ давр мобайнида миллий терма жамоамиз ўйинида юксалиш сезилмади, аниғи бош мураббийнинг ҳимоявий услубига футболчилар кўника олишмади. Ўтказилган 17 ўйиннинг бор-йўғи 7 тасида ғалаба қозонган футболчиларимиз 4 та учрашувда дуранг, 6 та баҳсда мағлубият натижа қайд этишди. 2019 йилда ўтказилган Осиё чемпионатида ҳам ҳамюртларимиз муваффақият қозона олишмади. 2022 йилда Қатарда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири иккинчи босқичи гуруҳ баҳсида сафарда фаластинликларга имкониятнинг бой берилиши мухлислар сабр-косасини тўлдирди. Қизиғи, фаластинликлардан аслида яққол устун бўлган ҳамюртларимитз ўйинида мазмун етишмади. Шу омиллар сабаб, Эктор Купер муддатидан аввал истеъфога чиқарилди. Энди ҳамма умид ёш "Бунёдкор" жамоаси билан миллий биринчиликда ажойиб ўйинлар намойиш этаётган Вадим Абрамовдан бўлиб турибди. Вадим Абрамов 2011 йили миллий терма жамоамиз билан бош мураббий сифатида Қатарда уюштирилган Осиё чемпионатида ярим финалга қадар етиб борганлиги, терма жамоамизнинг ўшанда тезкор, ҳужумкор, сермазмун ўйин намойиш этганлиги ҳамон кўпчиликнинг ёдида.

Энди терма жамоамиз жаҳон чемпионатига саралаш турнири иккинчи босқичи гуруҳ баҳсларининг навбатдаги турида Яман билан 10 октябрда Тошкентда куч синашади.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**


## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

IPAK YO'LI BANKI

**АИТБ "Ипак йўли" банки комплекс суғурта (Bankers Blanket Bond) шартномасини тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказилишини маълум қилади**

*Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 2-уй. Индекс: 100017. Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни 2019 йил 30 октябрь соат 12:00 гача. Мурожаат учун телефонлар: (78) 140-69-39, (78) 140-69-00 (ички 1258).*

"Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Олмалиқ филиали таркибидаги Пискент тумани банк хизматлари марказини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга ташкилотлар ўртасида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловни ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги батафсил маълумотни қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 28-уй. Телефон, факс: (70) 615-10-89, (94) 401-77-11.

Нархлари фоизда кўрсатилган тижорат таклифлари алоҳида конвертга жойланган ва корхона муҳри билан тасдиқланган ҳолда эълон чиққан санадан бошлаб 7 кун муддат ичида қабул қилинади.

Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 13.03.2017 йилда № 002000-02 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "MAGNOLIA TEXTILE" МЧЖ (СТИР 304734404) таъсисчининг 2.10.2019 йилдаги № 6-қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида Яшнобод тумани, М.Риёзий кўчаси, 15а-уй, 30-хонадон манзилида қабул қилинади. Телефон: (+99890) 118-10-90.

Сергели туманидаги 305-мактаб томонидан 2003 йил 20 июнда Мирзакаримов Равшан Тошкентбоевич номига берилган O`R-A № 1427206 шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**


**ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ**

*Тошкент шаҳрида **4 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси – 10-12, кундузи – 23-25 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **4 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 1046

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1386 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 01.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5